

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Рўйхатга олинди:

**№ БД – 5321500 – 3.16.**

201\_\_ йил “\_\_”\_\_.



**АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН УЧАСТКА ЦЕХЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ**

**ФАН ДАСТУРИ**

Билим соҳаси: 300000 – Ишлаб чиқариш – техник соҳа

Таълим соҳаси: 320000 – Ишлаб чиқариш технологиялари

Таълим йўналиши: 5321500 – Технологиялар ва жиҳозлар (машинасозлик)

Тошкент – 20\_\_

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 201\_ йил “\_\_\_” даги “\_\_\_”-сонли буйруғининг \_\_\_-иловаси билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 201\_ йил “\_\_\_” даги \_\_\_ - сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фан дастури Бухоро муҳандислик – технология институтида ишлаб чиқилди.

### **Тузувчилар:**

З.Ф.Джумаев – Бухоро муҳандислик – технология институти, “Технологиялар ва жиҳозлар” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди.

Н.Тураходжаев – Тошкент давлат техника унверситети “Машинасозлик технологияси” кафедраси доценти .

### **Тақризчилар:**

Д.Э.Алиқулов – Тошкент давлат техника унверситети “Машинасозлик технологияси” кафедраси профессори, т.ф.д;

И.М.Рахмонов – Бухоро муҳандислик – технология институти, “Енгил саноати технологияси ва жиҳозлари” кафедраси доценти, техника фанлари номзоди.

Фан дастури Бухоро муҳандислик – технология институти Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (201\_ йил “\_\_\_” даги \_\_\_ - сонли баённома).

## **КИРИШ**

Замонавий машиналарга эга бўлиш учун уларни лойиҳалашда фан ва техниканинг энг сўнги ютуқларидан унумли фойдаланиш даркор. Бунинг учун ҳар бир лойиҳачи, ҳар бир муҳандис машина деталларининг тузилиши, ишлатилиши, уларни мустаҳкамликка, бикрликка, иссиқбардошлик ва ейилишга тўғри хисоблашнинг назарий асосларини билмоғи лозим.

Машинасозлик саноат корхоналарини лойиҳалашни автоматлаштирилган ҳолатга келтириб лойиҳалаш хозирги замонавий машинасозликни долзарб муаммоларидан хисобланади. Шунинг учун муҳандисларнинг хозирги вазифаси замонамиз талабига тўла жавоб берадиган, юқори унумли, мустаҳкам ва фойдали иш коэффициенти юқори бўлган янгидан-янги машиналар яратишдан иборат. Бу учун машиналар лойиҳалашда улар деталларининг мумкин қадар енгил, етарли даражада мустаҳкам, ишқаланишга чидамли, шакли оддий, ишлатилиши қулай ва хавфсиз, шунингдек давлат стандартларида (ДС) қўйилган талабларни тўла қондирадиган бўлишига эришиш керак.

Ушбу дастур технологик жиҳозлардан фойдаланиш жараёнида уларни ишдан чиқсан механизм ва деталларини таъмирлаш ишларини ташкил этиш усуслари, фан тарихи ва ривожининг анъаналари истиқболи, республикамиздаги ижтимоий - иқтисодий ислоҳотлар натижалари ва машинасозликни истиқболига таъсири масалаларини қамрайди.

## **Ўқув фанининг мақсади**

Фанинг ўқилишидан мақсад – автоматлаштирилган участка ва цехларни лойиҳалаш, махсус ва умумий устахоналаридаги технологик воситалар билан таништириш ҳамда ташкил этиш ва лойиҳалашни асосий усусларини тутган ўрни тўғрисидаги назарий ва амалий билимларни шакллантиришдан иборат .

Фанинг вазифаси – уни ўрганувчиларга:

- автоматлаштирилган участка цехларини лойиҳалаш асослари лойиҳа топшириш, лойиҳа учун асос, курилиш жойи;
- ишлаб чикариш куввати ва таъмирланадиган жиҳознинг характеристи;
- устахонани таъмир фондлари ва бошка ресурслар билан таъминлаш манбалари ;
- асосий технологик жараёнлар ва жиҳозлар, лойиҳалашда олинадиган асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар;

- таъмирлаш даврийлиги ва таъмирлаш вакт меъёри, йиллик капитал ва ўрта таъмирлар сонини аниқлаш;
- таъмирлаш-механика устахонасида бажариладиган бошка ишлар меҳнат хажмини хисоблаш;
- таъмирлаш-механика устахонаси штатларини хисоблаш, чилангарлар сонини ҳисоблаш;

Фаннинг вазифаси-талабани ушбу фан бўйича олган назарий ва амалий билимларини мустахкамлаш, бажариш билан реал шароитга кўллаш бўйича билим бериш ҳамда уларга тегишли амалий машғулотлар ва қўнималар ҳосил қилишидир.

### **Фан бўйича талабаларнинг билим, қўнимма ва малакаларига кўйиладиган талаблар**

«Автоматлаштирилган участка ва цехларни лойихалаш» ўқув фанини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида бакалавр:

- автоматаштирилган таъмирлаш механика устахоналарини ва бўлинмаларини лойихалаш асослари;
- таъмирлаш механика цехларида ишлаб чиқаришни механизациялаш ва шу асосида таъмирлаш дастгохларини жойлаштирилишини;
- машина деталларини, айрим маҳсус қисмларни ва деталларни нуқсонларига нисбатан **тиклаш технологиясини чукур билиши керак;**
- таъмирлаш механика заводларини умумий ва маҳсус устахоналарни дастурини хисоблаш ва лойихалаш, керакли техенологик воситаларни кўллаш **малакаларига эга бўлиши керак;**
- корхона дастурига нисбатан таъмирлаш механика устахоналарини ва бўлинмаларини лойихалаш асосларини **билиш;**
- автоматаштирилган участка цехларини лойихалашни замонавий машинасозликка мосланган холда ташкил этилиши хақида ва техникавий, ташкил ва иқтисодий мақсадларни ечиш **қўнималарига эга бўлиши керак.**

### **Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги**

“Автоматлаштирилган участка цехларини лойихалаш” фани мутахассислик фанилардан ҳисобланиб, 8-семестрда ўқитилади. Бу фан сифатида қуйидаги мутахассислик фанлари билан узвий боғлиқлиги мавжуд

“Чизма геометрия”, “Олий математика”, “Машинасозлик технологияси”, “Ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш”, “Автоматлаштирилга ишлаб чиқариш жиҳозлари ”, “Кесиш назарияси” ва бошка ўқув режадаги мутахассислик фанлари ҳамда ихтисосликнинг интеграллашган курси бошқа фанлари билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма-кетлиги мавжуд.

### **Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни**

Машинасозлик корхоналарида ишлаб чиқаришнинг юқори технологиилар билан ривожланиши ва бу соҳада ишлаб чиқаиш корхоналарини автоматлаштириш ва механизациялаш муҳим ўрин тутади. Бундай корхоналарни яратиш, таъмирлаш корхоналарини лойихалаш ва ундаги ишлов беришни, қайта таъмирлашни амалга оширишни кетма-кетликда амалга оширилишини мунтазам равища ишлатилиши таъминланади.

Шунинг учун ушбу фан мутахассислик фани ҳисобланиб, ишлаб чиқариш технологик тизимишининг ажралмас бўғинидир.

### **Фанни ўқитишида замонавий ахборот ва педагогик технологиялар**

Талаба “Автоматлаштирилган участка цехларини лойихалаш” фанини ўзлаштиришда таълимнинг инновацион усулларидан фойдаланиши, янги педагогик, ахборот ва интернет технологияларини тадбиқ қилиши муҳим аҳамият касб этади. Фанни ўзлаштиришда ўқув-услубий таъминот (дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, модуль топшириклари)дан фойдаланилиш тавсия этилади. Маъруза ва амалий машғулотларда турли метод ва воситалардан, хусусан, ақлий ҳужум, кластер, амалий иш ва дидактик ўйинлар, портфолио, кейс-стади, шунингдек, компьютер дастурларидан (Microsoft Excel, Microsoft PowerPoint, SolidWorks, КОМПАС-3D, AvtoCAD) интернет тизимларидан фойдаланиш мумкин.

## **АСОСИЙ ҚИСМ**

### **Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни**

#### **Кириш. Асосий тушунчалар.**

Автоматлаштирилган участка цехларини лойихалаш асосларини тушунтириш. Лойиха учун асос сифатида. Қурилиш жойи. Ишлаб чиқариш куввати ва таъмирланадиган жиҳознинг характеристи. Устахонани таъмир фондлари ва бошка ресурслар билан таъминлаш манбалари. Ташиб воситалари оқава сувларини тозалаш ва чиқариб ташлаш шароитлари. Асосий технологик жараёнлар ва жиҳозлар. Лойихалашда олинадиган асосий техник-иктисодий қўрсаткичлар. Лойихалаш боскичлари. Қурилиш муддати. Техник лойихани ишлаб чиқиш ва ишчи чизмаларни ишлаб чиқиш. Таъмирлаш механика устахонасида бажариладиган ишлар. Жиҳозлар ва ишчиларнинг номинал ва хақиқий йиллик иш вақти фонди.

#### **Таъмирлаш-механика устахонаси ишлаб чиқариш дастури меҳнат ҳажмини аниқлаш.**

Капитал ва ўрта таъмирларнинг графиги. Капитал ва ўрта таъмирларнинг умумий меҳант ҳажмини ҳисоблаш. Таъмирлаш даврийлиги ва таъмирлаш вақт меъёри. Йиллик капитал ва ўрта таъмирлар сонини аниқлаш. Таъмирлаш мураккаблик категорияси. Таъмирлаш-механика устахонасида бажариладиган бошқа ишлар меҳнат ҳажмини ҳисоблаш. Капитал ва ўрта таъмирлар келтирилган қайдномасини тузиш. Дастроҳ ишлари меҳнат ҳажмини ҳисоблаш. Чилангарлик ишлари меҳнат ҳажмини ҳисоблаш.

#### **Жиҳозлардан талаб этилган бирлик сонини аниқлаш.**

Таъмирлаш-механика устахонаси штатларини ҳисоблаш. Дастроҳчилар сонини ҳисоблаш. Чилангарлар сонини ҳисоблаш. Ёрдамчи ишчилар, мухандис-техник ходимлар, хизматчилар, кичик хизмат қўрсатувчи шахслар сонини ҳисоблаш. Дастроҳчилар малакавий таркибини аниқлаш. Чилангарлар ва бошқа ишчилар малакавий таркибини аниқлаш.

## **Таъмирлаш-механика устахонаси бўлимлари.**

Дастгоҳлар булими. Чилангарлик бўлими. Темирчилик бўлими. Пайвандлаш бўлими. Қувур ўтказиш бўлими. Тунукасозлик бўлими. Устахона бўлимларининг жихозланиши ва уларда бажариладиган ишлар.

## **Таъмирлаш-механика устахонаси бўлимлари майдони.**

Жихозлар, ишчи ўринлар ва йўлаклар жойлашиш режаси. Дастгоҳлар, верстаклар, дастгоҳлар ва деворлар ва бинолар колонналари орасидаги масофалар, йўлаклар кенглиги меъёрлари. Битта дастгоҳга ва бир ишчига тўғри келадиган солиштирма майдон. Бўлимлар майдонини жихозларнинг габарит ўлчамларидан боғлик равишда аниқлаш. Асосий металл кесувчи дастгоҳларнинг бирлик сонидан боғлик равишда таъмирлаш механика устахонаси бўлимлари майдонини аниқлаш.

## **Таъмирлаш-механика устахонаси бўлимларини режалаштириш.**

Чилангарлик ва дастгоҳлар бўлимини жойлаштириш. Таъмирлаш-механика устахонасининг қолган бўлимларини жойлаштириш. Дастгоҳлар бўлимида жихозларни белгилари бўйича жойлаштириш. Таъмирлаш-механика устахонасини лойихалаш меъёрлари. Бўлимларни лойихалаш кўрсаткичлари.

## **Жихозларни захира деталлари билан таъминлашни ташкил этиш.**

Жихозларни захира деталлари билан таъминлашни ташкил этиш. Корхона омбори деталлари. Деталлар учун бўлган йиллик талабни ҳисоблаш. Деталларнинг номенклатуроси. Таъмирлаш хизматини такомиллаштириш. Деталларни тиклашнинг самарали усулини танлаш.

## **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларнинг тавсия этиладиган мавзулари:

- Таъмирлаш-механика устахонаси ишлаб чиқариш дастури меҳнатини ҳисоблаш.
- Таъмирлаш механика устахонаси учун талаб этилган дастгоҳлар сонини аниқлаш.

- Таъмирлаш механика устахонаси штатларини ҳисоблаш.
- Таъмирлаш-механика устахонаси бўлимлари майдонини ҳисоблаш.
- Таъмирлаш-механика устахонаси бўлимлари ва иш графигини ўрганиш.
  - Ишлаб чикариш корхонаси бош механик бўлимии функцияси ва вазифаларини ўрганиш.
  - Жиҳозларнинг режали-огохлантирув таъмир тизими бўйича йиллик режалари ва графикларини ишлаб чиқиш.
  - Жиҳозларни капитал таъмирга қабул қилиб олиш ва ўтказишида иштирок этиш.
  - Жиҳозларни ўрта таъмирга қабул қилиб олиш ва ўтказишида иштирок этиш.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар**

Амалий машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъзуза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустаҳкамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали қуроллар тайёрлаш, тарқатма материаллардан мавзуга оид бўлган видео роликарни олиб улардан фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

### **Курс (иши) лойиҳасини ташкил этиш бўйича услугий кўрсатмалар**

Фан бўйича курс (иши) лойиҳаси ўқув режада кўзда тутилмаган

### **Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади:

- дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан боблари ва мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;
- махсус адабиётлар бўйича фанлар бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- янги техникаларни, аппаратураларни, жараёнлар ва технологияларни ўрганиш;
- талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган фанлар бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш;
- фаол ва муаммоли ўқитиш услубидан фойдаланиладиган ўқув машғулотлари;
- масофавий (дистанцион) таълим.

### **Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:**

- таъмирлаш ишларини замонавий машинасозлик корхоналаридағи ўрни;
- корхоналарни лойихалашни замонавий усуллари;
- таъмирлаш ишларини ташкил қилишни замонавий усуллари;
- таъмирлаш корхоналарини теник иқтисодий қўрсаткичлари;
- техник лойихани ишлаб чиқиш ва ишчи чизмаларни ишлаб чиқиш;
- таъмирлаш механика устахонасида бажариладиган ишлар;
- чилангарлик ва дастгоҳлар бўлимини жойлаштириш;
- таъмирлаш-механика устахонасининг колган бўлимларини жойлаштириш;
- дастгоҳлар бўлимида жиҳозларни белгилари бўйича жойлаштириш;
- таъмирлаш-механика устахонасини лойихалаш меъёрлари;

### **Дастурнинг информацион –услубий таъминоти.**

Мазкур фанни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик ва ахборот – коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган.

- таъмирлаш механика устахоналарини лойихалашни ўрганиш тузилиши ва уларни автоматлаштириш»
- дастгоҳларни автоматлаштириш ва механизациялаш асослари» мавзулари бўйича маъruzалар ўтишда электрон дарсликдан фойдаланиб компььютерда ўтиш;
- автоматлаштирилган таъмирлаш цехларини лойихалашни ишларини компььютерда ўрганиш;

- таъмирлаш механика цехларини лойихалаш меёrlарини аниқлаш таҳлиллаш ва танлаш, кичик гурухли мусобақалари, гурухли фикрлаш педагогик технологияларни қўллаш назарда тутилади.

## **Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати**

### **Асосий**

1. A.Qayumov . «Mexanika – yig`uv sexlarini loyihalsh» o`quv qo`llanma. T.: «Fan va texnologiya», 2007, 212 b.
2. Holiqberdiev T.U. «Mashinasozlik texnologiyasi» darslik. T.: ToshDTU, 2012, 435 b.
3. Заиров И.У. Роботы и автоматизация производства.Кн12.-Т.: ТашГТУ, 2005.

### **Қўшимча**

1. Омиров А.Й. , Каёмов А.Х. Машинасозлик технологияси. – Тошкент: Узбекистон . – 2003, 380 б.
2. Базров Б.М. Модульная технология в машиностроении.-М.: Машино- строение, 2001,- 368 с.,
3. Агрегатлаштирилган йиғиш ускуналарини технологик асослари.М.: Машинасозлик нашриёти, 1991 г.
4. М. И. Худых «Ремонт текстильных машин», М.,Легпромбытиздат, 1991 г.

### **Интернет сайтлар:**

1. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz);
2. www.lex.uz;
3. [www.bilim.uz](http://www.bilim.uz);
4. [www.gov.uz](http://www.gov.uz);
5. [www.mf.uz](http://www.mf.uz).
6. [www.uzbekistan.uz](http://www.uzbekistan.uz)
7. Samarskiy nauchniy chentr RAN. E-mail: presidium @ ssc smr. Ru
8. www.ssc smr. ru Tex.mash.



